



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 27 » август

№ 523

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Болалар миллий тиббиёт маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистонда болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янги босқичга кўтариш, илгор хорижий тажрибага асосланган диагностика ва даволаш технологияларини, шу жумладан телемедицина, ракамлаштириш имкониятларидан фойдаланган ҳолда болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизматларини кўрсатиш ҳамда худудий тиббиёт муассасалари имкониятларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корея Республикаси ҳамкорлигига ва иқтисодий ривожланиш жамғармасининг молиявий ҳамкорлигига “Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини тузиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида” 2013 йил 10 декабрдаги ПҚ-2082-сон қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган бино ва иншоотлар (кейинги ўринларда – объект) куриб битказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг обьектда 280 ўринли давлат муассасаси шаклидаги **Болалар миллий тиббиёт маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Куйидагилар Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

педиатриянинг барча йўналишларида диагностика, даволаш, профилактика ва реабилитация бўйича ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан нейрохирургия, кардиохирургия, оторинолорингология каби соҳаларни ривожлантириш;

республика ва худудий тиббиёт муассасалари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари фаолиятини педиатриянинг барча йўналишлари бўйича мувофиқлаштириш, ихтисослаштирилган, шу жумладан юқори технологик диагностика ва даволаш амалиётларини жорий этиш;

педиатрияning барча йўналишлари бўйича тиббиёт соҳасидаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда тиббиёт кадрларини тайёрлашда иштирок этиш;

болалар касалликлари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланиш ҳамда тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

хорижий илмий-тадқиқот тиббиёт марказлари, клиникалар ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш;

тиббий туризм соҳасида тиббий хизматлар ва юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва мазкур хизматлар экспорти ҳажмини ошириш.

4. 2020-2022 йилларда **болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янги босқичга кўтаришга йўналтирилган** чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Куйидагилар болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янги босқичга кўтаришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

телемедицина ва бошқа юқори рақамли технологияларни қўллаган ҳолда, болаларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш;

болаларга юқори технологик тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

педиатрия соҳасида ихтисослаштирилган, шу жумладан юқори технологик диагностика ва даволаш амалиётларини жорий этишни кенгайтириш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарорига 1–4-иловалар қоидалари Марказ фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

Бунда касалликни юқори технологиялар ёрдамида даволайдиган турлар бўйича харажатлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи республика болалар тиббиёт муассасалари томонидан берилган йўлланмаларга (ордерларга) асосан табақалаштирилган тарифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

6. Марказга:

хорижий ва маҳаллий мутахассисларни бошқарувчи, консультант, маслаҳатчи ва тиббиёт ходими сифатида жалб қилиш ва уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маоши ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

штатлар жадвалини мустақил равишида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш хуқуқи берилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари Марказ бўйсунувига ўтказилсин.

Белгилансинки:

худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари юридик шахс мақомини ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолади;

Марказ худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари болалар бўлими фаолиятига услубий раҳбарлик қиласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўн кун муддатда:

а) Марказ устави ва унинг тузилмасини;

Молия вазирлиги билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан даволанадиган bemорларни танлаш мезонлари, заруратга кўра, уларни навбатга қўйиш ва шифохонага ётқизиш, шу жумладан шошилинч ва фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

б) Марказнинг даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқласин ва Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказсин;

Тошкент шаҳрида жойлашган тиббиёт соҳасидаги олий таълим муассасалари клиник базаларини Марказда жойлаштирунсан.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда Марказ, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотлари (бўлимлари) ўртасида телемедицина алоқасини ўрнатишни таъминласин. Бунда:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар Марказ, худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларини (бўлимларини) юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш ва барча худудларда белгиланган тартибда замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминласин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2021 йил 1 январга қадар телемедицина йўналишидаги лойиҳанинг амалга оширилишини таъминласин.

Ушбу бандда белгиланган тадбирлар жалб қилинадиган чет эл инвестициялари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига марказлашган харидлар учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

2020 йил сентябрдан бошлаб икки ой муддатда Марказ фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағларни асослантирилган ҳисоб-китобларга мувофиқ;

1 ноябрдан бошлаб республика болалар тибиёт муассасалари томонидан берилган йўлланмаларга (ордерларга) асосан табақалаштирилган тарифлар асосида Марказ томонидан кўрсатилган тиббий хизматлар қийматини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштиrsин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “**27**” августдаги **523**сон қарорига
илова

**2020-2022 йилларда болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янги босқичга қўтаришга йўналтирилган
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Сумма	Молиялаштириш манбай	Ижрочилар
I. Болаларга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш буйича норматив-хукуқий базани такомиллаштириш						
1	Болалар миллий тиббиёт маркази штат бирликларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларининг тузилмаси, умумий ўринлар фонди, штат бирликлари ва Низомини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги бўйруғи	2020 йил август	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шадманов</i>), Молия вазирлиги (<i>Ишметов</i>), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Хусанов</i>)
2	Болалар миллий тиббиёт марказида халқаро стандартларга мос келадиган тиббий хизматларни кўрсатиш ва bemor xavfisizligini юқори даражада таъминлаш учун “JCI” ташкилотида халқаро аккредитациядан ўтиш чораларини кўриш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил 1 декабр	400 минг АҚШ долл	Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси (KOFIN) гранти	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шадманов</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>Кудратов</i>), Болалар миллий тиббиёт маркази
3	Болаларга юқори технологик ёрдам кўрсатишнинг янги имконияти асосида ташхис кўйиш ва касалликларни даволаш стандартларини ҳамда клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020-2021 йиллар	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шадманов</i>)
4	Ўзбекистонда генетик омилларни хисобга олган холда эрта ташхис кўйиш, прогнозлаш ва даволашнинг янги персоналлашган технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2021 йилдан бошлаб	Ҳисоб-китоблар асосида	Болалар миллий тиббиёт марказининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шадманов</i>), Болалар миллий тиббиёт маркази

					ташкилотларнинг грантлари, хомийлик ва хайрия маблағлари	
5	Позитрон-эмиссион томография ва гамма-камера текширувлари учун зарур бўлган радиоизотоп ашёларни етказиш, созлаш ва Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш учун радиоактив назорат ускуналарига лицензия олиш.	Режа бўйича	2021 -2022 йилларда		Соғлиқни сақлаш соҳаси учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари доирасида ҳамда Халқаро молия институтлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Республика санитария-эпидемиология хизмати (Юсупалиев), “Саноатконтехназорат” давлат инспекцияси (Гуломов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов)

II. Телемедицина ва бошқа юқори рақамли технологияларни қўллаган ҳолда, болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада ошириш

6	Болалар миллий тиббиёт марказида Пусан Университети ва худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари билан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, ўзаро маълумотлар алмашувини ҳамда таълим олиш, малака ошириш ва масофавий телемедицинани босқичма-босқич татбиқ этиш.	Ташкилий чоратадбирлар	2020-2021 йиллар	Ҳисобкитоблар асосида	Халқаро молия институтларининг кредит маблағлари, Корея Республикаси Пусан Университети ва KHIDI ташкилоти грантлари асосида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов)
7	Болалар миллий тиббиёт марказининг “Шифохона ахборот тизими” орқали HIS тизимини EMR даражасига етказиш ва HIMSS сертификатини олиш; барча худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларида «Шифохона ахборот тизими» (HIS) шакллантириш.	Ташкилий чоратадбирлар Ташкилий чоратадбирлар	2020 – 2021 2020 – 2022 йиллар	1 млн АҚШ долл 6 млрд сўм	Халқаро молия институтларининг кредит маблағлари, Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси (KOFIH) гранти, Маҳаллий бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Кудратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

8	<p>“Электрон поликлиника” намунавий ахборот тизимини ишга тушириш хамда қуйидаги имкониятларни яратиш:</p> <p>шифокорлар иш жадвалини шакллантириш;</p> <p>тиббиёт муассасаларининг жойлашган жойи ва уларнинг иш соатлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш;</p> <p>“Шифокор қабулига ёзилиш” электрон хизматини жорий қилиш.</p>	Ташкилий чоратадбирлар	2020 – 2021	4 600 минг АҚШ долл	Халқаро молия институтлари кредит маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Инвестиция ва ташки савдо вазирлиги (Кудратов)
---	---	------------------------	-------------	---------------------	--	--

III. Болаларга юқори технологик тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш

9	<p>Болалар миллий тиббиёт марказ фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 2 та енгил ва 1 та юқ ташиш автомобилини;</p> <p>ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларига 13 та енгил хизмат автомобилини харид қилиш.</p>	Ташкилий чоратадбирлар	2020–2021 йиллар	850 млн, сўм 1500,0 млн, сўм	Соғлиқни сақлаш соҳаси учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Молия вазирлиги (Ишиметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
10	Нукус шаҳрида Шайх Ҳалифа номидаги “Она ва бола” марказини халқаро талаблар ва стандартлар асосида қуриш.	Ташкилий чоратадбирлар	2020 – 2021 йиллар	7 млн. АҚШ доллари	“Khalifa Bin Zayed AI Nahyan Foundation” (ОАЭ) ташкилоти грант маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси
11	Юқори технологияли ёрдам кўрсатиш бўйича ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ходимларининг малакасини ошириш.	Режа-жадвал	Доимий	Ҳисоб-китоблар асосида	Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Болалар миллий тиббиёт маркази (Жафаров)
12	Хорижий давлатларнинг етакчи тиббиёт, таълим ва илмий муассасаларида малакали соҳа мутахассисларини тайёрлаш;		2021 йилдан бошлаб	Ҳисоб-китоблар асосида	«Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), “Эл-юрт умиди” жамғармаси (Бекмурадов)

	<p>“Эл-юрт умиди” жамғармаси күмагида мутахассислик йўналиши бўйича кадрларни танлов асосида хорижий тиббиёт, таълим ва илмий муассасаларнинг клиник ординатура, магистратура ва докторантура босқичларида тайёрлаш;</p> <p>давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт кадрларини етакчи хорижий тиббиёт ва илмий муассасаларга марказлаштирилган ҳолда юбориш орқали уларнинг қисқа ва узок муддатли малакасини ошириш.</p>	Танлов асосида Режа жадвал				
13	<p>Халқаро илмий-амалий ҳамкорликни кенгайтириш:</p> <p>болалар жарроҳлиги ва педиатрия соҳасида малакали хорижий мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ҳамда юқори технологияли амалиётларни ўтказиш;</p> <p>касалликларни эрта аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика усуллари бўйича семинарлар, конференциялар, тренинглар ҳамда вебинарлар ўтказиш ҳамда ўзаро илмий тадқиқотлар олиб бориш.</p>	Режа асосида	Доимий	Ҳисоб-китоблар асосида	Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Болалар миллий тиббиёт маркази
14	<p>Миллий болалар тиббиёт марказида умумлаштирилган болалар гематология-онкология бўлими мавжудлиги сабабли ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларда умумлаштирилган бўлимлар жорий этиш.</p> <p>Ўзбекистонда жорий этилган “Болалар гематологияси” ва “Болалар онкологияси” соҳаларини</p>	Режа асосида	2020 – 2021 йиллар	Ҳисоб-китоблар асосида	Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилотини сармояси хисобидан	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Болалар миллий тиббиёт маркази

	умумлаштириб, дунё стандартларига мос равища “Болалар ва ўсмирлар гематология ва онкологияси” номли соҳани тағбиқ килиш ва шу йуналишда магистратура, ихтисослаш ва малака ошириш курслари дастурида кадрлар тайёрлаш Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошида “Болалар гематология ва онкологияси” курси ташкил қилиш. Болалар онкология бўлимларини вилоят онкодиспансерларидан худудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларига ўтказиш ва умумлаштирилган болалар гематология-онкология бўлимлари ташкил қилиш					
15	Марказда тиббиёт йўналишида мақолалар чоп этиш ва илм-фанни ривожлантириш максадида Олий аттестация комиссияси рўйхатидан ўтган «Болалар миллий марказининг ахборотномаси» журналини таъсис этиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 – 2021 йиллар	Ҳисоб-китоблар асосида	Мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шадманов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>Ортиқов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>Абдураҳмонов</i>), Болалар миллий тиббиёт маркази
16	Болалар миллий тиббиёт маркази базасида китоб-журналлар ва ахборот – ресурс маркази ташкил этиш	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил 4 чорак	Ҳисоб-китоблар асосида	KOICA халқаро ҳамкорлик агентлиги гранти	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шадманов</i>), Болалар миллий тиббиёт маркази
17	Болалар миллий тиббиёт марказда болалар жарроҳлиги йўналиши учун маҳсус илмий кенгаш ташкил қилиш	Режа асосида	2021 йил	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шадманов</i>), Олий аттестация комиссияси (<i>Юсупов</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>Абдураҳмонов</i>)
18	Клиник ординатурада Болалар миллий тиббиёт маркази йўналишлари	Йиллик режа	2021 – 2022 йиллар	Ҳисоб – китоблар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Шадманов</i>), Иқтисодий

	буйича мутахассислар тайёрлаш			асосида		тарақкіёт ва камбағалликни қисқартыриш вазирлиги(Ортиков), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашы, вилоятлар ҳокимліктері)
19	Мактаб ўқувчилари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида күйидаги тадбирларни ўтказиш: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Соғлиқни сақлашга кўмаклашувчи мактаблар” дастурининг республиканинг З та вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида тажриба лойиҳасини жорий қилиш; миллий дастур асосида ўсмиirlар орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш бўйича глобал изланиш ўтказиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020 йил	34,0 минг АҚШ доллари	ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Халқ таълими вазирлиги (Шерматов), тегишли ҳокимликла

Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш учун 8,35 млрд сўм ва 12,64 млн АҚШ доллари талаб этилади, шундан:

	млрд сўмда	млн АҚШ долларида
Давлат бюджети маблағлари	2,35	-
Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари	-	7
Халқаро молия ташкилотларнинг кредит маблағлари ва грантлари	6,0	5,64

